

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ  
ҲУЗУРИДАГИ «ЎЗАРХИВ» АГЕНТЛИГИ БОШ ДИРЕКТОРИНИНГ  
БУЙРУҒИ

**266** Мулкчилик шаклидан қатъи назар корхона, муассаса, ташкилотнинг доимий ҳаракатдаги Эксперт комиссияси (ЭК) тўғрисидаги намунавий низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2010 йил 2 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 897-2*

*(2010 йил 12 августдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикасининг «Архив иши тўғрисида»ги Қонунига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 24-25-сон, 192-модда) мувофиқ **буюраман:**

1. Мулкчилик шаклидан қатъи назар корхона, муассаса, ташкилотнинг доимий ҳаракатдаги Эксперт комиссияси (ЭК) тўғрисидаги намунавий низомга (рўйхат рақами 897, 2000 йил 21 февраль) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси 2000 й., 4-сон) иловага\* мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Ушбу буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

**Бош директор**

**А. АБДУЛЛАЕВ**

Тошкент ш.,  
2010 йил 16 июль,  
43-сон

---

\* Илова рус тилидаги матнда берилган.